

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига
қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг
2019 йил 4 июлдаги 1-сон баёнига
20-илова

**Иқтисодиёт тармоқларида камида беш йил иш стажига эга бўлган
фуқароларни сиртқи ва кечки таълим шаклига суҳбат натижаларига
кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш
ТАРТИБИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу тартиб иқтисодиёт тармоқларида камида беш йил иш стажига эга бўлган фуқароларни сиртқи ва кечки таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

Бунда, ўқишга қабул қилиш тегишли иш берувчи вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмаларининг тавсияномаси асосида камида беш йил иш стажига эга бўлган ходимлар (кейинги ўринларда тавсияномага эга бўлган абитуриентлар деб аталади) ҳисобидан кейинчалик ушбу тизимда беш йил ишлаб бериш шарти билан иш фаолиятига мос бўлган бакалаврият таълим йўналишларига суҳбат натижаларига асосан амалга оширилади.

2. Камида беш йил иш стажига эга бўлган фуқароларга сиртқи ва кечки таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга кириши учун иловага мувофиқ шаклдаги тавсиянома берувчи вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмалари рўйхати Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда Давлат комиссияси деб аталади) томонидан тасдиқланади.

2-боб. Ҳужжатларни қабул қилиш

3. Тавсияномага эга бўлган абитуриентларнинг сиртқи ва кечки таълим шаклига ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризалари муайян олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан ҳар йили 1 июлдан 20 июлгача (шу куни ҳам) қабул қилинади.

Тавсияномага эга бўлган абитуриентлар олий таълим муассасаси қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

таълим йўналиши, ўқув тили, шакли кўрсатилган ҳолдаги ариза;

умумий ўрта таълимни (11-синф негизида) тугатганлиги ҳақидаги хужжат ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасини тугатганлиги ҳақидаги хужжат ва унинг иловаси асл нусхалари;

паспортнинг нусхаси;

3,5 x 4,5 см ўлчамдаги 6 дона рангли фотосурат;

меҳнат дафтарчасидан белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма;

абитуриентнинг ишлаб турган жойи бўйсунувчи вазирлик ёки идора ёки йирик хўжалик бирлашмасидан белгиланган шаклдаги тавсиянома;

тавсияномага эга бўлган абитуриентнинг ишлаб турган жойи бўйсунувчи вазирлик ёки идора ёки йирик хўжалик бирлашмаси томонидан талабанинг бутун ўқиши (сиртқи таълим шакли учун 5 йил, кечки таълим шакли учун 4 йил) учун тўлов-шартнома маблағларни ўз вақтида тўлаб бериш бўйича кафолат хати.

4. Тавсияномага эга бўлган абитуриентлар томонидан паспорт қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

5. Тавсияномага эга бўлган абитуриентлар томонидан топширилган хужжатларнинг қалбакилиги аниқланса, у ҳолда тавсияномага эга бўлган ходим суҳбатдан (талабаликка қабул қилингандан кейин аниқланса талабаликдан) четлаштирилади ҳамда хужжатлари белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилади.

3-боб. Суҳбат жараёнини ўтказиш ва талабаликка қабул қилиш

6. Олий таълим муассасаси қабул комиссияси раиси томонидан тавсияномага эга бўлган абитуриентлар билан суҳбат ўтказиш бўйича алоҳида суҳбат комиссияси ташкил этилади.

Суҳбат комиссияси таркибига тавсиянома берган ташкилотлардан вакиллар (камида бир нафар) ҳам киритилиши шарт.

Бунда, тавсиянома берган ташкилотлардан (камида бир нафар) вакиллар суҳбат комиссиясида иштирок этмаса, мазкур ташкилот тавсия этган абитуриентлар суҳбатдан ўтмаган ҳисобланади.

7. Белгиланган муддатларда суҳбатга келмаган тавсияномага эга бўлган абитуриентлар учун қайта суҳбат ўтказилмайди ва улар ўқишга қабул қилинмайди.

8. Тавсияномага эга бўлган абитуриентлар билан суҳбат ҳар йили 10 августдан 20 августга қадар ўтказилади.

Суҳбат жараёнида тавсияномага эга бўлган абитуриентнинг меҳнат фаолиятини олиб бораётган соҳа бўйича умумий маълумотга эгаллиги, лавозим вазифалари, олий маълумот олишдан мақсади аниқланади.

9. Суҳбат комиссиясининг ўтказилган суҳбат натижалари бўйича хулосаси олий таълим муассасаси ректори томонидан тасдиқланади ва эълон қилинади.

10. Олий таълим муассасасида суҳбат ўтказилиши даврида белгиланган тартибда норозилик (апелляция) аризаларини кўриб чиқиш учун апелляция комиссияси иши ташкил этилади.

Норозилик (апелляция) аризалари суҳбат натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат ичида қабул қилинади ва апелляция комиссияси томонидан мурожаат қилганларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда бир кундан уч кунгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

11. Суҳбат натижаларига кўра талабаликка тавсия этилганлар тўғрисидаги маълумотлар натижалар эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддатда олий таълим муассасаси бўйсунуви бўйича вазирлик идорага тақдим этилади.

12. Суҳбат натижалари эълон қилинган кундан бошлаб, абитуриентларга табақалаштирилган (оширилган) тўлов-контракт асосида ўқиши бўйича шартнома бланкалари берилади.

13. Тавсияномага эга бўлган абитуриентлар сиртки ва кечки таълим шаклида ўқиш учун шартномада кўрсатилган тўловларни белгиланган тартибда ва муддатда амалга оширгандан сўнг, Суҳбат комиссиясининг хулосасига асосан олий таълим муассасаси ректорининг талабаликка қабул қилиш тўғрисида буйруғи расмийлаштирилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

14. Ушбу тартибни қўллашда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

15. Мазкур тартиб талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Иқтисодиёт тармоқларида камида беш йил иш
стажига эга бўлган фуқароларни сиртқи ва кечки
таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра
табақалаштирилган тўлов-контракт асосида
ўқишга қабул қилиш тартибига
илова

ТАВСИЯНОМА БЛАНКАСИНИНГ ШАКЛИ

ТАВСИЯНОМА			
№ АА 000000			
_____ йилда туғилган,		_____ йилдан буён _____ да	
		(ташкилот номи)	
_____ лавозимида	_____ ишловчи	_____ фуқаро	
_____ га	(фамилияси, исми, отасининг исми)		
берилди.			
Ушбу тавсиянома фуқаро _____ га		(_____)	
(фамилияси, исми, отасининг исми)		(паспорт серияси ва рақами)	
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПҚ–4359-сон қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларининг сиртқи ва кечки таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш учун берилди.			
Тавсиянома _____ раҳбарининг 20__ йил “__” _____ даги			
(вазирлик (идора) номи)			
_____ -сон буйруғига асосан берилди.			
М.Ў. _____			
(вазирлик (идора) раҳбарининг лавозими, имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)			
20__ йил “__” _____			